وَبَعْدَ أَيَّامٍ رَأَى الْعَزِيزُ أَنَّ يُوسُفَ إِلَى السِّجْنِ. وَكَانَ الْعَزِيزُ يَعْرِفُ أَنَّ يُوسُفَ بَرِيءٌ. وَدَخَلَ يُوسُفُ السِّجْنَ.

8 – ВАФО ВА ОМОНАТ

Ҳокимнинг хотини Юсуфни хиёнатга чорлади. Лекин Юсуф бош тортди ва: “Йўқ! Мен хўжайинимга хиёнат қилмайман. Албатта у мен учун яхшилик қилди ва мени хурматлади. Албатта мен Аллоҳдан кўрқаман”, деди. Ҳокимнинг хотини бундан ғазабланиб, эрига шикоят қилди. Ҳоким аёлининг ёлғончи, Юсуфнинг ростгўй эканини биларди. У хотинига: “Албатта сен адашгувчилардан бўлдинг”, деди.

Юсуф Мисрда хусни билан танилди. Уни бирор киши кўрса, шундай дерди: “Ё Парвардигор! Бу башар эмас! Бу карамли фариштаннинг ўзи-ку”.

Аёлнинг ғазаби янада кучайиб, Юсуфга: “Ундай бўлса сен қамокқа боришинг керак!” деди. Юсуф: “Мен учун қамок яхшироқдир”, деди.

Бир неча кундан сўнг ҳоким Юсуфни қамокқа юборишга қарор қилди. У Юсуфнинг айбсиз эканини биларди. Юсуф қамокқа кирди.

۹ – مَوْعِظَةُ السِّجْنِ

وَدَخَلَ يُوسُفُ السِّجْنَ وَعَرَفَ أَهْلَ السِّجْنِ جَمِيعًا أَنَّ يُوسُفَ شَابٌّ كَرِيمٌ. وَأَنَّ يُوسُفَ عِنْدَهُ عِلْمٌ عَظِيمٌ. وَأَنَّ يُوسُفَ فِي صَدْرِهِ قَلْبٌ رَحِيمٌ. وَأَحَبُّ أَهْلِ السِّجْنِ يُوسُفَ وَأَكْرَمُوهُ. وَفَرِحَ النَّاسُ بِيُوسُفَ وَعَظَّمُوهُ. وَدَخَلَ مَعَهُ السِّجْنَ رَجُلَانِ وَقَصَّ عَلَيْهِ رُؤْيَاهُمَا: (وَقَالَ أَحَدُهُمَا إِنِّي أَرَانِي أَعْصِرُ خَمْرًا)

(وَقَالَ الْآخَرُ إِنِّي أَرَانِي أَعْمَلُ فَوْقَ رَأْسِي خُبْرًا تَأْكُلُ الطَّيْرُ مِنْهُ) [يوسف: ٣٦].
 وَسَأَلَا يُوسُفَ عَنِ التَّأْوِيلِ. وَكَانَ يُوسُفُ عَالِمًا بِتَأْوِيلِ الرُّؤْيَا. وَكَانَ يُوسُفُ نَبِيًّا مِنَ الْأَنْبِيَاءِ.
 وَكَانَ النَّاسُ فِي زَمَانِهِ يَعْبُدُونَ غَيْرَ اللَّهِ. وَوَضَعُوا أَرْبَابًا كَثِيرَةً مِنْ عِنْدِ أَنْفُسِهِمْ.
 وَقَالُوا هَذَا رَبُّ الْبَرِّ، وَهَذَا رَبُّ الْبَحْرِ، وَهَذَا رَبُّ الرِّزْقِ وَهَذَا رَبُّ الْمَطَرِ.
 وَكَانَ يُوسُفُ يَرَى كُلَّ ذَلِكَ، وَيَضْحَكُ. وَكَانَ يُوسُفُ يَعْلَمُ كُلَّ ذَلِكَ، وَيَبْكِي.
 وَكَانَ يُوسُفُ يُرِيدُ أَنْ يَدْعُوهُمْ إِلَى اللَّهِ.
 وَقَدْ أَرَادَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ ذَلِكَ فِي السِّجْنِ. أَلَا يَسْتَحِقُّ أَهْلُ السِّجْنِ الْمَوْعِظَةَ، أَلَا يَسْتَحِقُّ أَهْلُ السِّجْنِ
 الرَّحْمَةَ؟. أَلَيْسَ أَهْلُ السِّجْنِ عِبَادَ اللَّهِ؟. أَلَيْسَ أَهْلُ السِّجْنِ بَنِي آدَمَ؟.
 وَكَانَ يُوسُفُ فِي السِّجْنِ وَلَكِنَّهُ كَانَ حُرًّا جَرِيئًا. وَكَانَ يُوسُفُ فَقِيرًا وَلَكِنَّهُ كَانَ جَوَادًا سَخِيًّا.
 إِنَّ الْأَنْبِيَاءَ يَجْهَرُونَ بِالْحَقِّ فِي كُلِّ مَكَانٍ. إِنَّ الْأَنْبِيَاءَ يَجُودُونَ بِالْخَيْرِ فِي كُلِّ زَمَانٍ.

9 - ҚАМОҚДАГИ МАВЪИЗА

Юсуф қамоққа кирганда, қамоқ аҳли Юсуфнинг олийжаноб йигит эканини билди.

Ҳақиқатда Юсуфда улкан илм бор эди. Ҳақиқатда Юсуфнинг кўксида раҳмдил юрак бор эди. Қамоқ аҳли Юсуфни яхши кўриб қолиб, уни ҳурмат қилдилар.

Одамлар Юсуфдан хурсанд бўлиб, уни ҳурматладилар. У билан бирга қамоққа икки киши кирган эди. Иккови тушини ҳикоя қилиб берди.

“Улардан бири: “Мен тушимда шароб тайёрлаб юрибман”, деди. Бошқаси эса: “Мен бошимда нон кўтариб юрибман, қуш ундан емоқда”, деди.

У иккови Юсуфдан бу тушларнинг таъбирини сўради. Юсуф туш таъбирларини билар эди. Юсуф пайғамбарлардан бири эди. Унинг даврида инсонлар Аллоҳдан бошқалар ибодат қилардилар. Улар ўз ичларидан кўплаб худоларни тўқиб олгандилар.

“Бу қуруқлик худоси, бу денгиз худоси, бу ризқ худоси, бу ёмғир худоси”, дер эдилар.

Юсуф буларнинг барчасини кўриб, кулар эди. Юсуф буларнинг барчасини ўйлаб, йиғлар эди. Юсуф уларни Аллоҳга даъват қилишни хоҳларди. Аллоҳ бу нарса қамоқ ичида бўлишини хоҳлади.

Қамоқ аҳли ваъз қилинишга ҳақли эмаси?

Қамоқ аҳли раҳм қилинишга ҳақли эмасми?

Қамоқ аҳли Аллоҳнинг бандалари эмасми?

Қамоқ аҳли ҳам одам болалари эмасми?

Юсуф қамоқда бўлса ҳам, лекин хур ва журъатли эди.

Юсуф камбағал бўлса ҳам, лекин қўли очиқ ва сахий эди.

Албатта, пайғамбарлар ҳамма жойда ҳақни баралла айтадилар.

Албатта, пайғамбарлар ҳамма вақт яхшилик ва эзгуликда бўладилар.

قَالَ يُوسُفُ فِي نَفْسِهِ: إِنَّ الْحَاجَةَ سَأَتِ الرَّحْلَيْنِ إِلَيَّ. وَإِنَّ صَاحِبَ الْحَاجَةِ يَلِينُ وَيَخْضَعُ.
وَإِنَّ صَاحِبَ الْحَاجَةِ يُطِيعُ وَيَسْمَعُ. فَلَوْ قُلْتُ لَهُمَا شَيْئًا لَسَمِعَا، وَسَمِعَ أَهْلُ السَّجْنِ. وَلَكِنَّ يُوسُفَ لَمْ
يُسْرِعْ. وَلَكِنَّ يُوسُفَ لَمْ يَسْتَعْجَلْ. بَلْ قَالَ لَهُمَا:
أَنَا أُخْبِرُكُمْ بِتَأْوِيلِ الرُّؤْيَا قَبْلَ أَنْ يَأْتِيَكُمَا طَعَامُكُمْ. فَجَلَسَا وَاطْمَأَنَّنَا. ثُمَّ قَالَ لَهُمَا يُوسُفُ:
أَنَا عَالِمٌ بِتَأْوِيلِ الرُّؤْيَا (ذَلِكُمَا مِمَّا عَلَّمَنِي رَبِّي) [يوسف: ٣٧].
فَفَرِحَا وَاطْمَأَنَّنَا. وَهُنَا وَجَدَ يُوسُفُ الْفُرْصَةَ، فَبَدَأَ مَوْعِظَتَهُ.

10 – ЮСУФНИНГ ҲИКМАТИ

Юсуф ўзига ўзи шундай деди: “Албатта эҳтиёж, икки кишини менга чорлади.

Албатта ҳожат эгаси юмшоқ бўлади ва қулоқ солади.

Албатта ҳожат эгаси итоат этади ва эшитади. Агар уларга бирор нарса айтсам, улар ҳам, камоқ аҳли ҳам эшитади. Лекин Юсуф шошмади ховликмади ҳам. Уларга: “Мен сизларга тушларингиз таъбирини таомларингиз келишидан олдин айтиб бераман”, деди, икковлари ўтирдилар ва хотиржам бўлдилар. Сўнгра Юсуф икковларига: “Мен тушлар таъбирини билувчиман.

“Бу иш менга Роббим ўргатган нарсалардандир”, деди, икковлари хурсанд бўлиб, тинчландилар. Мана шу ерда Юсуф фурсат топди ва даъватни бошлади.

۱۱ – مَوْعِظَةُ التَّوْحِيدِ

قَالَ يُوسُفُ: (ذَلِكُمَا مِمَّا عَلَّمَنِي رَبِّي) [يوسف: ٣٧].
وَلَكِنَّ اللَّهَ لَا يُؤْتِي عِلْمَهُ كُلَّ أَحَدٍ.
إِنَّ اللَّهَ لَا يُؤْتِي عِلْمَهُ الْمُشْرِكِ.
هَلْ تَعْرِفَانِ؟ لِمَاذَا عَلَّمَنِي رَبِّي؟ لِأَنِّي تَرَكْتُ طَرِيقَ أَهْلِ الشِّرْكِ.
(وَاتَّبَعْتُ مِلَّةَ آبَائِي إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ مَا كَانَ لَنَا أَنْ نُشْرِكَ بِاللَّهِ مِنْ شَيْءٍ) [يوسف: ٣٨].
قَالَ يُوسُفُ: وَهَذَا التَّوْحِيدُ لَيْسَ لَنَا فَقَطُّ، بَلْ هُوَ لِلنَّاسِ جَمِيعًا.
(ذَلِكَ مِنْ فَضْلِ اللَّهِ عَلَيْنَا وَعَلَى النَّاسِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ) [يوسف: ٣٨].
وَهُنَا وَقَفَ يُوسُفُ وَسَأَلَهُمَا: تَقُولُونَ رَبُّ الْبَرِّ وَرَبُّ الْبَحْرِ وَرَبُّ الرِّزْقِ وَرَبُّ الْمَطَرِ. وَنَحْنُ نَقُولُ: اللَّهُ
رَبُّ الْعَالَمِينَ. (أَأَرَبَابٌ مُتَفَرِّقُونَ خَيْرٌ أَمْ اللَّهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ) [يوسف: ٣٩].
أَيُّنَ رَبُّ الْبَرِّ وَرَبُّ الْبَحْرِ وَرَبُّ الرِّزْقِ وَرَبُّ الْمَطَرِ؟

(أَرُونِي مَاذَا خَلَقُوا مِنَ الْأَرْضِ أَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِي السَّمَاوَاتِ) [فاطر: ٤٠].
 انظُرُوا إِلَى الْإِنْسَانِ (هَذَا خَلَقُ اللَّهُ فَارُونِي مَاذَا خَلَقَ الَّذِينَ مِنْ دُونِهِ) [لقمان: ١١].
 وَكَيْفَ رَبُّ الْبَرِّ وَرَبُّ الْبَحْرِ وَرَبُّ الرِّزْقِ وَرَبُّ الْمَطَرِ؟ (أَسْمَاءٌ سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَآبَاؤُكُمْ) [الأعراف: ٧١،
 يوسف: ٤٠، النجم: ٢٣].
 الْحُكْمُ لِلَّهِ، الْمُلْكُ لِلَّهِ، الْأَرْضُ لِلَّهِ، الْأَمْرُ لِلَّهِ.
 (أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ) [يوسف: ٤٠].

11 – ТАВҲИДГА ДАЪВАТ

Юсуф деди: “Бу иш менга Роббим ўргатган нарсалардандир”. Лекин Аллоҳ илмини ҳаммага ҳам беравермайди. Албатта Аллоҳ илмини мушрикларга бермайди. Нега Роббим буларни менга ўргатганини биласизларми? Чунки мен ширк аҳлининг йўлларини тарк этдим. “Ва оталарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг миллати-диниға эргашидим. Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмас эди.”

Юсуф деди: “Бу тавҳид фақат биз учун эмас, балки барча инсонлар учундир.

“Бу бизга ва одамларга Аллоҳ берган фазл эди. Лекин одамларнинг кўплари шуқр қилмаслар”. Шу ерда Юсуф ўрнидан туриб, у икковларидан: “Улар қуруқлик худоси, денгиз худоси, ризқ худоси, ёмғир худоси, дейдилар. Биз, “Аллоҳ оламларнинг робби”, деймиз. “Турли-туман Робблар яхшими ёки ёлғиз Қаҳҳор сифатли Аллоҳми?”.

Қуруқлик худоси, денгиз худоси, ризқ худоси, ёмғир худоси қаерда?

“Менга кўрсатинг-чи, улар ердан нимани яратдилар? Ёки осмонларни (яратишда) иштироклари борми?”.

Осмонларга ва ерга қаранглар, одамларга қаранглар.

“Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар”.

Қандай қилиб уларда қуруқлик худоси, денгиз худоси, ризқ худоси, ёмғир худоси бўлади?

“Ўзингиз ва ота-боболарингиз номлаб олган исмлар-қу?”

Ҳукм Аллоҳники, мулк Аллоҳники, ер ва барча ишлар Аллоҳникидир.

“У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди. Ана ўша тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар”.

١٢ – تَأْوِيلُ الرُّؤْيَا

وَلَمَّا فَرَغَ يُوسُفُ مِنْ مَوْعِظَتِهِ أَخْبَرَهُمَا بِتَأْوِيلِ الرُّؤْيَا، قَالَ: (أَمَّا أَحَدُكُمْ فَاسْتَقِي رَبَّهُ حَمْرًا وَأَمَّا الْآخَرَ فَيُصَلِّبُ فَتَأْكُلُ الطَّيْرُ مِنْ رَأْسِهِ) [يوسف: ٤١].
 وَقَالَ لِلأَوَّلِ: (ادْكُرْنِي عِنْدَ رَبِّكَ) [يوسف: ٤٢].

وَوَخَّرَجَ الرَّجُلَانِ، فَكَانَ الْأَوَّلُ سَاقِيًا لِلْمَلِكِ وَصَلِبَ الْآخِرُ. وَنَسِيَ السَّاقِي أَنْ يَذْكُرَ يُوسُفَ عِنْدَ الْمَلِكِ. وَأَقَامَ يُوسُفُ فِي السِّجْنِ سِنِينَ.

12 – ТУШЛАР ТАЪБИРИ

Юсуф ваъз айтишни тугатгач, уларга тушларининг таъбирини айтиб берди.

“Сизлардан бирингиз хўжасига хамр соқийлиги қилур. Бошқаси бўлса, осилур ва қушлар унинг бошидан ейдир”.

Бирига: “Хўжайининг хузурида мени эсга ол”, деди.

Иккови чиқиб кетишди, бири подшоҳ сув ташувчиси бўлди, иккинчиси осилди. Сув ташувчи подшоҳ хузурида Юсуфни эсламади. Юсуф эса камокда йиллар давомида қолиб кетди.

۱۳ – رُؤْيَا الْمَلِكِ

وَرَأَى مَلِكُ مِصْرَ رُؤْيَا عَجِيبَةٍ. رَأَى فِي الْمَنَامِ سَبْعَ بَقَرَاتٍ سَمَانٍ. وَيَأْكُلُ هَذِهِ الْبَقَرَاتِ سَبْعَ بَقَرَاتٍ عَجَافٍ.

وَرَأَى الْمَلِكُ سَبْعَ سُنْبُلَاتٍ خُضْرٍ وَسَبْعَ سُنْبُلَاتٍ يَابِسَاتٍ.

تَعَجَّبَ الْمَلِكُ مِنْ هَذِهِ الرُّؤْيَا الْعَجِيبَةِ وَسَأَلَ جُلَسَاءَهُ عَنْ تَأْوِيلِ الرُّؤْيَا.

قَالُوا: هَذَا لَيْسَ بِشَيْءٍ، النَّائِمُ يَرَى أَشْيَاءَ كَثِيرَةً لِاحْتِمَاقِهَا. وَلَكِنْ قَالَ السَّاقِي: لَا، بَلْ أَخْبَرْتُمْ بِتَأْوِيلِ هَذِهِ الرُّؤْيَا.

وَذَهَبَ السَّاقِي إِلَى السِّجْنِ وَسَأَلَ يُوسُفَ عَنْ تَأْوِيلِ رُؤْيَا الْمَلِكِ. كَانَ يُوسُفُ جَوَادًا كَرِيمًا مُشْفِعًا عَلَى خَلْقِ اللَّهِ فَأَخْبَرَهُ بِالتَّأْوِيلِ.

وَكَانَ يُوسُفُ جَوَادًا كَرِيمًا لَا يَعْرِفُ الْبُخْلَ. فَأَخْبَرَ يُوسُفُ بِالتَّأْوِيلِ وَدَلَّ عَلَى التَّدْبِيرِ.

قَالَ تَزْرَعُونَ سَبْعَ سِنِينَ، وَاتْرَكُوا مَا حَصَدْتُمْ فِي سُنْبُلِهِ إِلَّا قَلِيلًا مِمَّا تَأْكُلُونَ. وَيَكُونُ بَعْدَ ذَلِكَ قَحْطٌ عَامٌ تَأْكُلُونَ فِيهِ مَا خَزَنْتُمْ إِلَّا قَلِيلًا.

وَيَطُولُ هَذَا الْقَحْطُ إِلَى سَبْعِ سِنِينَ. وَبَعْدَ ذَلِكَ يَأْتِي النَّصْرُ وَيُخْصِبُ النَّاسُ. وَذَهَبَ السَّاقِي وَأَخْبَرَ الْمَلِكَ بِتَأْوِيلِ رُؤْيَاهُ.

13 – ПОДШОХНИНГ ТУШИ

Миср подшоҳи бир ажойиб туш кўрди. У тушида еттита семиз сигир еттита ориқ сигирни еяётганини ҳамда еттита яшил бошоқни ва шунча қуруғини кўрди.

Подшоҳ бу ғаройиб тушдан ажабланди ва унинг таъбири ҳақида аъёнлардан сўради. Улар: “Бу ҳеч нарса эмас, ухловчи кўп нарсаларни кўради ва уларда ҳақиқат йўқ”, дедилар. Сув ташувчи соқий: “Йўқ, мен сизларга бу тушнинг хабарини бераман”, деди-да, камокқа борди ва Юсуфдан подшоҳ тушининг таъбирини сўради. Юсуф жуда очикқўл ва саховатли ҳамда Аллоҳ яратган нарсаларга раҳмли эди. У туш таъбирини айтиб берди. Юсуф жуда очикқўл ва саховатли бўлиб, бахилликни билмас эди. Юсуф таъбирни айтиб, тадбир кўришни тайинлади. “Кетма-кет етти йил зироат экасишлар, йиғиштириб олган ҳосилингизни бошоғида қолдилинг. Фақат озгина ейдиганингизни (*қолдирманг*). Ундан кейин қаҳатчилик йили келади, уларда олдиндан тайёрлаб қўйганингизни ейсизлар, фақат озгина асраб қўйганингизгина қолади. Бу қаҳатчилик етти йилга чўзилади. Ундан кейин нусрат келади ва одамлар мўл ҳосил оладилар. Сув ташувчи подшоҳ хузурига келиб, тушининг таъбирини айтиб берди.

١٤ – الْمَلِكُ يُرْسِلُ إِلَى يُوسُفَ

وَلَمَّا سَمِعَ الْمَلِكُ هَذَا التَّأْوِيلَ وَالتَّدْبِيرَ فَرِحَ جِدًّا، وَقَالَ: مَنْ صَاحِبُ هَذَا التَّأْوِيلِ؟ وَقَالَ الْمَلِكُ: مَنْ هَذَا الرَّجُلُ الْكَرِيمُ الَّذِي نَصَحَ لَنَا وَدَلَّ عَلَيَّ التَّدْبِيرِ؟
 قَالَ السَّقَايُ: هَذَا يُوسُفُ الصِّدِّيقُ وَهُوَ الَّذِي أَخْبَرَ أَيْ سَأَكُونُ سَاقِيًا لِسَيِّدِي الْمَلِكِ.
 وَاشْتَقَّ الْمَلِكُ إِلَى لِقَاءِ يُوسُفَ وَأَرْسَلَ إِلَى يُوسُفَ، وَقَالَ الْمَلِكُ:
 (اِنْتُونِي بِهِ أَسْتَخْلِصُهُ لِنَفْسِي) [يوسف: ٥٤].

14 – ПОДШОҲ ЮСУФГА ЭЛЧИ ЖЎНАТДИ

Подшоҳ бу тушнинг таъбири ва тадбирини эшитгач, жуда шод бўлди ва: “Бу таъбирнинг эгаси ким (уни ким айтди)? Бизга насиҳат қилиб, тадбир қилишга йўллаб қўйган киши ким?”, деган эди, сув ташувчи соқий: “Бу ростгўй Юсуфдир. У менга подшоҳга сув ташувчи бўлишимни ҳам хабар берган эди”, деб айтди.

Подшоҳ Юсуфни кўришга муштоқ бўлди ва унга элчи юбориб: “Уни менга келтиринглар, уни ўзимга хос кишилардан қилиб оламан”, деди.

١٥ – يوسف يسأل التفتيش

وَلَمَّا جَاءَ الرَّسُولُ إِلَى يُوسُفَ وَقَالَ لَهُ: إِنَّ الْمَلِكَ يَدْعُوكَ! مَا رَضِيَ يُوسُفُ أَنْ يُخْرَجَ مِنَ السِّجْنِ هَكَذَا.
 وَيَقُولُ النَّاسُ: هَذَا يُوسُفُ! هَذَا كَانَ أَمْسٍ فِي السِّجْنِ، إِنَّهُ خَانَ الْعَرِيزَ. إِنَّ يُوسُفَ كَانَ كَبِيرَ النَّفْسِ أَيْبًا، إِنَّ يُوسُفَ كَانَ كَبِيرَ الْعَقْلِ ذَكِيًّا. لَوْ كَانَ أَحَدٌ مَكَانَ يُوسُفَ فِي السِّجْنِ وَجَاءَهُ رَسُولُ الْمَلِكِ، وَقَالَ لَهُ رَسُولُ الْمَلِكِ: إِنَّ الْمَلِكَ يَدْعُوكَ وَيَنْتَظِرُكَ، لِأَسْرَعِ هَذَا الرَّجُلِ إِلَى بَابِ السِّجْنِ وَخَرَجَ.

وَلَكِنَّ يُوسُفَ أَمْ يُسْرِعُ. وَلَكِنَّ يُوسُفَ لَمْ يَسْتَعْجَلْ. بَلْ قَالَ لِرَسُولِ الْمَلِكِ: أَنَا أُرِيدُ التَّفْتِيشَ أَنَا أُرِيدُ
الْبَحْثَ عَنِ قَضِيَّتِي. وَسَأَلَ الْمَلِكُ عَنْ يُوسُفَ وَعَلِمَ الْمَلِكُ وَعَلِمَ النَّاسُ أَنَّ يُوسُفَ بَرِيءٌ.
وَوَجَّحَ يُوسُفَ بَرِيئًا وَأَكْرَمَهُ الْمَلِكُ.

15 – ЮСУФ ТЕКШИРУВ СЎРАДИ

Элчи Юсуфнинг олдига келиб, подшоҳ сени чакиряпти деди. Юсуф қамокдан мана шу ахволда чиқиб кетишга рози бўлмади.

Одамлар: “Бу Юсуф! Бу ҳокимга хиёнат қилгани учун кеча қамокда эди. Албатта Юсуфнинг нафси катта кеккайгандир. Албатта Юсуф ақлли, донодир. Агар Юсуфнинг ўрнида бошқа киши қамокда ўтирса, унга подшоҳ элчиси келиб, подшоҳ сени чакиряпти ва кутяпти деса, у киши қамокхона эшиги томон шошилиб чиқиб кетар эди. Лекин Юсуф сира ҳам шошилмади”, дер эдилар.

У подшоҳнинг элчисига: “Мен текширувни хоҳлайман. Мен муаммоимни қайта муҳокама қилинишини хоҳлайман”, дер эди.

Подшоҳ Юсуф ҳақида сўради. Подшоҳ ва одамлар Юсуфнинг айбсиз эканини билдилар. Юсуф оқланиб чиқди ва подшоҳ уни ҳурматлади.

۱۶ – عَلَى خَزَائِنِ الْأَرْضِ

وَكَانَ يُوسُفُ يَعْلَمُ أَنَّ الْأَمَانَةَ قَلِيلَةٌ فِي النَّاسِ. وَكَانَ يُوسُفُ يَعْلَمُ أَنَّ الْحَيَانَةَ كَثِيرَةٌ فِي النَّاسِ. وَكَانَ
يُوسُفُ يَرَى أَنَّ النَّاسَ يَحْمِلُونَ فِي أَمْوَالِ اللَّهِ. وَكَانَ يَرَى أَنَّ فِي الْأَرْضِ خَزَائِنَ كَثِيرَةً وَلَكِنَّهَا ضَائِعَةٌ. إِنَّهَا
ضَائِعَةٌ لِأَنَّ الْأَمْرَاءَ لَا يَخَافُونَ اللَّهَ فِيهَا. فَتَأْكُلُ كِلَابُهُمْ وَلَا يَجِدُ النَّاسُ مَا يَأْكُلُونَ. وَتَلْبَسُ بُيُوتُهُمْ وَلَا يَجِدُ
النَّاسُ مَا يَلْبَسُونَ. وَلَا يَنْفَعُ النَّاسَ بِخَزَائِنِ الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ كَانَ حَفِيظًا عَلِيمًا. وَمَنْ كَانَ حَفِيظًا وَمَا كَانَ
عَلِيمًا لَا يَعْلَمُ أَيْنَ خَزَائِنُ الْأَرْضِ وَكَيْفَ يَنْتَفِعُ بِهَا. وَمَنْ كَانَ عَلِيمًا وَمَا كَانَ حَفِيظًا يَأْكُلُ مِنْهَا وَيَحْمِلُونَ فِيهَا.
وَكَانَ يُوسُفُ حَفِيظًا عَلِيمًا. وَكَانَ يُوسُفُ لَا يُرِيدُ أَنْ يَتْرَكَ الْأَمْرَاءَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ النَّاسِ.

وَكَانَ يُوسُفُ لَا يَقْدِرُ أَنْ يَرَى النَّاسَ يَجُوعُونَ وَيَمُوتُونَ.

وَكَانَ يُوسُفُ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ.

فَقَالَ لِلْمَلِكِ: (اجْعَلْنِي عَلَى خَزَائِنِ الْأَرْضِ إِنِّي حَفِيظٌ عَلِيمٌ) [يوسف: ۵۵].

وَهَكَذَا كَانَ يُوسُفُ أَمِينًا لِحَزَائِنِ مِصْرَ. وَاسْتَرَاحَ النَّاسُ جِدًّا وَحَمَدُوا اللَّهَ.

16 – ЁР ХАЗИНАЛАРИНИНГ УСТИДА

Юсуф билардики, одамларда омонатдорлик оз эди.

Юсуф билардики, одамларда хиёнат кўп эди.

Юсуф кўрардики, одамлар Аллоҳнинг молларига хиёнат қилардилар.

Юсуф кўрардики, албатта ерда хазиналар кўп, лекин улар зое қилинган эди. Албатта улар зое қилинган, чунки амирлар Аллоҳдан кўркмас эдилар. Уларнинг итлари овқат ер эди, аммо одамлар ейишга нарса топа олмас эди.

Уларнинг уйлари безатилар эди, лекин одамлар кийишга кийим топа олмас эди.

Ернинг хазиналари одамларга фойда бермас эди, фақат уларни билиб, сақлаб (ғамлаб), муҳофаза қилувчилар билан фойда олар эди.

Ким муҳофаза қила олса-ю ер хазиналари қаердалигини билмаса, улардан қандай фойдалансин?

Кимдир (хазинани) билса-ю, уни муҳофаза қила олмаса, уни еб, хиёнат қилар эди.

Юсуф билиб, муҳофаза қилувчилардан эди.

Юсуф одамларнинг молини ейдиган подшоҳларнинг (ишларига) кўз юмиб кетишни хоҳламас эди.

Юсуф одамларнинг очликдан ўлишларини кўришга тоқат қила олмас эди.

Юсуф ҳақдан уялмас эди. У подшоҳга: **“Мени ернинг хазиналари устига қўй. Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман”**, деди.

Шундай қилиб Юсуф Миср хазиналарининг (ишончли) одами бўлди. Одамлар бундан жуда роҳатланиб, Аллоҳга ҳамд айтдилар.

۱۷ – جَاءَ إِخْوَةُ يُوسُفَ

وَكَانَ فِي مِصْرَ وَالشَّامِ بَجَاعَةً كَمَا أَخْبَرَ يُوسُفُ.

وَسَمِعَ أَهْلُ الشَّامِ وَسَمِعَ يَعْقُوبُ أَنَّ فِي مِصْرَ رَجُلًا رَحِيمًا، وَأَنَّ فِي مِصْرَ جَوَادًا كَرِيمًا، وَهُوَ عَلَى خَزَائِنِ الْأَرْضِ. وَكَانَ النَّاسُ يَذْهَبُونَ إِلَيْهِ وَيَأْخُذُونَ الطَّعَامَ.

وَأَرْسَلَ يَعْقُوبُ أَبْنَاءَهُ إِلَى مِصْرَ بِالْمَالِ لِيَأْتُوا بِالطَّعَامِ. وَبَقِيَ بَنِيَامِينَ عِنْدَ وَالِدِهِ، لِأَنَّ يَعْقُوبَ كَانَ يُحِبُّهُ جِدًّا. وَمَا كَانَ يُرِيدُ أَنْ يَبْعُدَ عَنْهُ، وَكَانَ يَعْقُوبُ يَخَافُ عَلَيْهِ كَمَا كَانَ يَخَافُ عَلَى يُوسُفَ.

وَتَوَجَّهَ إِخْوَةُ يُوسُفَ إِلَى يُوسُفَ وَهُمْ لَا يَعْرِفُونَ أَنَّهُ أَخُوهُمْ يُوسُفَ.

وَهُمْ لَا يَعْرِفُونَ أَنَّهُ يُوسُفَ الَّذِي كَانَ فِي الْبَيْتِ. وَهُمْ يظُنُّونَ أَنَّهُ قَدْ مَاتَ.

وَكَيفَ لَا يَمُوتُ وَقَدْ كَانَ فِي الْبَيْتِ. كَانَ فِي الْبَيْتِ وَكَانَتِ الْبَيْتُ عَمِيقَةً.

وَكَانَتِ الْبَيْتُ فِي الْعَابَةِ، وَكَانَتِ الْعَابَةُ مُوحِشَةً. وَكَانَ ذَلِكَ فِي اللَّيْلِ وَكَانَ اللَّيْلُ مُظْلِمًا.

(وَجَاءَ إِخْوَةُ يُوسُفَ فَدَخَلُوا عَلَيْهِ فَعَرَفَهُمْ وَهُمْ لَهُ مُنْكَرُونَ) [يوسف: ۵۸].

كَانُوا مُنْكَرِينَ لِيُوسُفَ لَا يَعْرِفُونَهُ وَلَكِنْ مَا أَنْكَرَهُمْ يُوسُفَ بَلْ عَرَفَهُمْ.

عَرَفَ يُوسُفَ أَنَّ هَؤُلَاءِ هُمُ الَّذِينَ كَانُوا يُرِيدُونَ قَتْلَهُ وَلَكِنَّ اللَّهَ حَفِيفُظُهُ.

وَلَكِنَّ يُوسُفَ لَمْ يَقُلْ لَهُمْ شَيْئًا وَمَ يَفْضَحَهُمْ.

17 – ЮСУФНИНГ АКАЛАРИ КЕЛДИЛАР

Юсуф хабар берганидек Миср ва Шомда (ҳозирги Сурия) очлик бор эди. Мисрда шундай раҳмдил киши борлигини Шом аҳли ва Яъқуб эшитди: “Албатта, Мисрда очиққўнгил ва саховатли инсон бор бўлиб, у ер хазиналари устидадир. Одамлар унинг олдига бориб, ундан таом олардилар”.

Яъқуб болаларига пул бериб, овқат олиб келиш учун Мисрга юборди. Бинямин отасининг хузурида қолди. Чунки Яъқуб уни жуда яхши кўрарди. Ундан узоқлашишни хоҳламас эди. Яъқуб у ҳақда Юсуфга қайғурганидек қайғуради. Юсуфнинг акалари Юсуфга юзландилар ва унинг ўз укалари Юсуф эканини билмадилар. Улар бу ўша қудукдаги Юсуф эканини билмадилар. Улар уни ўлган деб ўйлардилар. Қудукда қандай ўлмасин? У қудукда эди, қудук эса чуқур эди. Қудук ўрмонда эди, ўрмон эса кўркинчли эди. Бу қоронғуда бўлган эди. Қоронғулик эса зулмат эди.

“Юсуфнинг оға-инилари келдилар ва унинг хузурига кирдилар. Бас, у уларни таниди. Улар эса уни танимадилар”.

Улар Юсуфни танитай инкор қилдилар лекин Юсуф уларни инкор қилмади, балки таниди. Юсуф билдики, улар унинг ўлимини хоҳлаганлар эди. Лекин Аллоҳ уни сақлаб қолган эди. Юсуф уларга ҳеч нарса демади ва уларни фош қилиб, шарманда ҳам қилмади.

۱۸ – بَيْنَ يُوْسُفَ وَإِخْوَتِهِ

وَكَلَّمَهُمْ يُوسُفُ وَقَالَ: مِنْ أَيْنَ أَنْتُمْ؟ قَالُوا: مِنْ كَنْعَانَ! قَالَ: مَنْ أَبُوكُمْ؟ قَالُوا: يَعْقُوبُ بْنُ إِسْحَاقَ بْنِ إِبْرَاهِيمَ (عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ). قَالَ: هَلْ لَكُمْ أَخٌ آخَرَ؟ قَالُوا: نَعَمْ، لَنَا أَخٌ إِسْمُهُ بَنِيَامِينُ! قَالَ: لِمَاذَا مَا جَاءَ مَعَكُمْ؟ قَالُوا: لِأَنَّ وَالِدَنَا لَا يَتْرُكُهُ وَلَا يُحِبُّ أَنْ يَبْعَدَ عَنْهُ. قَالَ: لِأَيِّ شَيْءٍ لَا يَتْرُكُهُ، هَلْ هُوَ وَلَدٌ صَغِيرٌ جَدًّا؟ قَالُوا: لَا، وَلَكِنْ كَانَ لَهُ أَخٌ إِسْمُهُ يُوسُفُ، ذَهَبَ مَعَنَا مَرَّةً، وَذَهَبْنَا نَسْتَبِقُ وَتَرَكْنَا يُوسُفَ عِنْدَ مَتَاعِنَا فَأَكَلَهُ الذِّئْبُ. وَضَحِكَ يُوسُفُ فِي نَفْسِهِ وَلَكِنْ لَمْ يَقُلْ لَهُمْ شَيْئًا. وَاشْتَقَّ يُوسُفُ إِلَى أَخِيهِ بَنِيَامِينَ. وَأَرَادَ اللَّهُ أَنْ يَمْتَحِنَ يَعْقُوبَ مَرَّةً ثَانِيَةً. فَأَمَرَ لَهُمْ يُوسُفَ بِالطَّعَامِ. وَقَالَ لَهُمْ: (إِنْتُونِي بِأَخٍ لَكُمْ مِنْ أَبِيكُمْ) [يوسف: ۵۹]. وَلَا تَجِدُونَ طَعَامًا إِذَا لَمْ تَأْتُوا بِهِ. وَأَمَرَ يُوسُفُ بِمَا لَهُمْ فَوَضَعَ فِي مَتَاعِهِمْ.

18 – ЮСУФ ВА УНИНГ АКАЛАРИ...

Юсуф гап бошлаб, уларга шундай деди:

- Сизлар қаердансиз?
- Биз Канъонданмиз.
- Отангиз ким?
- Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим (уларга Аллоҳнинг салавати ва саломлари бўлсин).
- Сизларнинг бошқа укаларингиз ҳам борми?
- Ҳа, бизнинг яна Бинямин исмли укамиз бор.
- У нега сизлар билан бирга келмади?
- Отамиз уни йўқотишни ва ундан узоқлашишни хоҳламайди.

- Нима учун уни йўқотишни хохламайди, у жуда кичкина болами?

- Йўқ, унинг Юсуф исмли акаси бор эди, бир сафар у биз билан ўрмонга борганида, уни нарсаларимиз олдида колдириб, ўйнагани кетганимизда, уни бўри еб кетган, дейишди.

Юсуф ичида кулиб қўйди лекин уларга ҳеч нарса демади. Юсуф укаси Биняминни кўришга муштоқ бўлди. Аллоҳ Яъқубни иккинчи марта синашни хохлади. Юсуф уларга егулик (овқат) буюрди ва: **“Менинг хузуримга ота бир инингизни олиб келинг”**. Агар уни олиб келмасангиз, сизларга егулик йўқ”, деди.

Юсуф уларнинг (дон алмаштириш учун) келтирган нарсаларини юкларининг ичига қайтиб солиб қўйишга буюрди.

۱۹ – بَيْنَ يَعْقُوبَ وَابْنَائِهِ

وَرَجَعُوا إِلَىٰ أَبِيهِمْ وَأَخْبَرُوهُ بِالْحَبْرِ، وَقَالُوا لَهُ: أَرْسِلْ مَعَنَا أَخَانًا، وَإِلَّا لَا نَجِدُ خَيْرًا عِنْدَ الْعَزِيزِ.

وَطَلَبُوا مِنْ يَعْقُوبَ بَنِيَامِينَ وَقَالُوا: (وَإِنَّا لَهُ لِحَافِظُونَ) [يوسف: ۶۳].

قَالَ يَعْقُوبُ: (هَلْ آمَنُكُمْ عَلَيْهِ إِلَّا كَمَا آمَنْتُكُمْ عَلَىٰ أَخِيهِ مِنْ قَبْلُ) [يوسف: ۶۴].

هَلْ نَسِيتُمْ قِصَّةَ يُونُسَ. أَتَحْفَظُونَ بَنِيَامِينَ كَمَا حَفِظْتُمْ يُونُسَ.

(فَاللَّهُ خَيْرٌ حَافِظًا وَهُوَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ) [يوسف: ۶۴].

وَوَجَدُوا مَا هُمْ فِي مَتَاعِهِمْ، فَقَالُوا لِأَبِيهِمْ: إِنَّ الْعَزِيزَ رَجُلٌ كَرِيمٌ، قَدْ رَدَّ مَالَنَا وَمَنْ يَأْخُذُ مِنَّا ثَمَنًا. أَرْسِلْ

مَعَنَا بَنِيَامِينَ نَأْخُذْ حَقَّهُ أَيْضًا.

قَالَ لَهُمْ يَعْقُوبُ: لَنْ أَرْسِلَهُ مَعَكُمْ حَتَّىٰ تُعَاهِدُوا اللَّهَ أَنَّكُمْ تَرْجِعُونَ بِهِ إِلَّا أَنْ تُعْلَبُوا عَلَىٰ أَمْرِكُمْ.

وَعَاهِدُوا اللَّهَ وَقَالَ يَعْقُوبُ: (اللَّهُ عَلَىٰ مَا نَقُولُ وَكِيلٌ) [يوسف: ۶۶].

وَقَالَ يَعْقُوبُ لَبَنِيهِ: (يَا بَنِيَّ، لَا تَدْخُلُوا مِنْ بَابٍ وَاحِدٍ وَادْخُلُوا مِنْ أَبْوَابٍ مُتَفَرِّقَةٍ) [يوسف: ۶۷].

...

19 – ЯЪҚУБ ВА УНИНГ БОЛАЛАРИ

Улар оталарининг олдида қайтиб келиб, бўлиб ўтган воқеани айтиб: “Биз билан бирга укамизни юбор. Агар қўшиб юбормасанг, ҳокимнинг хузуринида яхшиликка эриша олмаймиз”, дедилар.

Яъқубдан Биняминни талаб қилиб: **“Албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз”**, дейишди.

Яъқуб эса: **“Уни сизларга худди акасини ишонганимдек ишониб топширайми?”**. Сизлар Юсуф қиссасини унутдингизми? Сизлар Биняминни худди Юсуфни ҳимоя қилгандек ҳимоя қиласизларми? **“Аллоҳнинг Ўзи энг яхши муҳофазачи ва Унинг Ўзи раҳмлиларнинг энг раҳмлисидир”**, деди.

Улар (юкларини очиб караганларида) ўзларининг моллари қайтарилганини кўриб, оталарига: “Ҳоким саховатли киши экан. У бизнинг молимизни шундоғича қайтариб, бир чақа ҳам олмабди. Биз билан Биняминни юборинг, биз унинг ҳам ҳаққини оламиз”, дейишди.

Яъқуб уларга: “Токи менга, албатта хузуримга қайта келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васиқа бермагунингизча, уни зинҳор сиз билан юбормасман. Магар (ҳалокатга) ўралиб қолсангиз бошқа гап”, деди.

Улар Аллоҳ номига қасам ичиб, Яъқубга: “Айтган гапларимизга Аллоҳ вакилдир”, дейишди.

Яъқуб болалрига: “Эй ўғилларим, битта эшикдан кирманглар, турли эшиклардан киришлар”, деди.

۲۰ - بَنِيَامِيْنُ عِنْدَ يُوسُفَ

وَدَخَلَ الْاِخْوَةُ مِنْ اَبْوَابٍ مُتَفَرِّقَةٍ كَمَا اَمَرَهُمْ اَبُوهُمْ، وَوَصَلُوا اِلَى يُوسُفَ.

وَلَمَّا رَأَى يُوسُفَ بَنِيَامِيْنَ فَرِحَ جَدًّا وَاَنْزَلَهُ فِي بَيْتِهِ.

وَقَالَ يُوسُفُ لِبَنِيَامِيْنَ: (إِنِّي أَنَا أَخُوكَ) وَاطْمَأَنَّ بَنِيَامِيْنُ.

وَلَقِيَ يُوسُفُ بَنِيَامِيْنَ بَعْدَ زَمَنٍ طَوِيلٍ، فَذَكَرَ أُمَّهُ وَأَبَاهُ وَذَكَرَ بَيْتَهُ وَذَكَرَ صِغَرَهُ. وَأَرَادَ يُوسُفُ أَنْ يَبْقَى

عِنْدَهُ بَنِيَامِيْنُ يَرَاهُ كُلَّ يَوْمٍ وَيُكَلِّمُهُ وَ يَسْأَلُهُ عَنْ بَيْتِهِ. وَلَكِنْ كَيْفَ السَّبِيلُ إِلَى ذَلِكَ وَبَنِيَامِيْنُ رَاجِعٌ غَدًا إِلَى

كَنْعَانَ؟ وَكَيْفَ السَّبِيلُ إِلَى ذَلِكَ، وَالْاِخْوَةُ عَاهَدُوا اللّٰهَ عَلَى أَنْ يَرْجِعُوا بِهِ مَعَهُمْ؟

وَكَيفَ يُمْكِنُ لِيُوسُفَ أَنْ يَحْسِبَ بَنِيَامِيْنَ عِنْدَهُ بَعِيْرٍ سَبَبٍ؟

وَيَقُولُ النَّاسُ: قَدْ حَبَسَ الْعَزِيْزُ عِنْدَهُ كَنْعَانِيًّا بَعِيْرٍ سَبَبٍ، إِنَّ هَذَا لَطَلْمٌ عَظِيْمٌ.

وَلَكِنَّ يُوسُفَ كَانَ ذَكِيًّا عَاقِلًا. كَانَ عِنْدَ يُوسُفَ اِنَاءٌ ثَمِيْنٌ، وَكَانَ يَشْرَبُ فِيْهِ.

وَضَعَ هَذَا الْاِنَاءَ فِي مَتَاعِ بَنِيَامِيْنَ وَأَدَّنَ مُؤَدَّنٌ اِنْكُم لَسَارِقُوْنَ.

وَالْتَفَتَ الْاِخْوَةُ، وَقَالُوا: مَاذَا تَفْقِدُوْنَ؟

قَالُوا: نَفَقْدُ صُوعَ (اِنَاءِ) الْمَلِكِ، وَلَمَنْ جَاءَ بِهِ جِهْلٌ بَعِيْرٍ.

قَالُوا تَاللّٰهِ لَقَدْ عَلِمْتُمْ مَا جِئْنَا لِنُفْسِدَ فِي الْاَرْضِ وَمَا كُنَّا سَارِقِيْنَ، قَالُوا فَمَا جَزَاؤُهُ اِنْ كُنْتُمْ

كَادِبِيْنَ، قَالُوا جَزَاؤُهُ مَنْ وُجِدَ فِي رَحْلِهِ فَهُوَ جَزَاؤُهُ كَذَلِكَ نُجْزِي الظّٰلِمِيْنَ (يوسف: ۷۳-۷۵).

وَخَرَجَ الْاِنَاءُ مِنْ مَتَاعِ بَنِيَامِيْنَ فَخَجَلَ الْاِخْوَةُ وَلَكِنْ قَالُوا مِنْ غَيْرِ خَجَلٍ:

اِنْ يَسْرِقُ (بَنِيَامِيْنُ) فَقَدْ سَرَقَ اَخٌ لَهُ (يُوسُفُ) مِنْ قَبْلُ.

وَسَمِعَ يُوسُفُ هَذَا الْبُهْتَانَ فَسَكَتَ وَلَمْ يَغْضَبْ وَكَانَ يُوسُفُ كَرِيْمًا حَلِيْمًا.

(قَالُوا يَا أَيُّهَا الْعَزِيزُ إِنَّ لَهُ أَبًا شَيْخًا كَبِيرًا فَخُذْ أَحَدَنَا مَكَانَهُ إِنَّا نَرَاكَ مِنَ الْمُحْسِنِينَ. قَالَ مَعَاذَ اللَّهِ أَنْ نَأْخُذَ إِلَّا مَنْ وَجَدْنَا مَتَاعَنَا عِنْدَهُ إِنَّا إِذًا لَظَالِمُونَ) [يوسف: 78-79].
 وَهَكَذَا بَقِيَ بَنِيَامِيْنُ عِنْدَ يُوسُفَ، وَفَرِحَ الْأَخْوَانُ جَمِيعًا، إِنَّ يُوسُفَ كَانَ وَحِيدًا مُنْذُ زَمَنِ طَوِيلٍ لَا يَرَى أَحَدًا مِنْ أَهْلِهِ.
 وَقَدْ سَأَلَ اللَّهُ إِلَيْهِ بَنِيَامِيْنُ، أَفَلَا يَحْسِبُهُ، عِنْدَهُ يَرَاهُ وَيُكَلِّمُهُ.
 وَهَلْ مِنَ الظُّلْمِ أَنْ يُقِيمَ أَخٌ عِنْدَ أَخِيهِ.
 أَبَدًا! أَبَدًا!

20 – БИНЯМИН ЮСУФ ҲУЗУРИДА

Ака – укалар худди оталари буюрганидек, турли хил эшиклардан кириб, Юсуфнинг ҳузурига келдилар. Юсуф Биняминни кўрганида жуда хурсанд бўлиб, уни ўз уйига туширди.

Юсуф Биняминга: “Албатта мен сени акангман”, деди. Бинямин тинчланди.

Юсуф Биняминни узоқ вақтдан кейин учратган эди. У онасини, отасини, уйини ва ёшлигини эслади. Юсуф Биняминнинг ўз олдида қолишини, уни ҳар куни кўришни ва уйи ҳақида сўраб-суриштиришни хоҳлади. Аммо бунга қандай йўл бор, ахир эртага Бинямин Канъонга қайтиб кетади-ку? Бунга қандай йўл бор, ахир акалари у билан бирга қайтишга Аллоҳ номи ила қасам ичишган-ку?

Юсуф Биняминни қандай қилиб сабабсиз қамокқа олиши мумкин? Одамлар: “Ҳоким бир Канъонликни сабабсиз қамокқа олди, бу зулмдир”, дейдилар-ку?!

Лекин Юсуф доно ва ақлли эди. Юсуфнинг кимматбаҳо идиши бўлиб, унда сув ичар эди. Ўша идишни Биняминнинг юкига жойлади, сўнг жарчи: “Сизлар ўғрисиз”, деб жар солди. Акалар уларга қараб: “Нимани йўқотдингиз”, дедилар. Улар: “Подшоҳнинг (сув ичадиган) идишини йўқотдик. Уни келтирган кишига бир туя юк”, дедилар.

Улар: “Аллоҳга қасамки, ўзингиз биласиз, биз ер юзида фасод учун келган эмасмиз, биз ўғрилар бўлган ҳам эмасмиз”, дедилар. Улар: Агар ёлғончи бўлиб чиқсангиз, жазоси нима?” дедилар. Улар: “Унинг жазоси, кимнинг юкида топилса, ўшадир. Бас, унинг жазоси ўшадир. Золимни шундай жазолаймиз”, дедилар”.

Идиш эса Биняминнинг буюмлари орасидан чиқди. Акалар ҳижолат бўлдилар, лекин ҳеч қандай ҳижолатсиз: “Агар (Бинямин) ўғирлик қилган бўлса, унинг акаси (Юсуф) ҳам бундан илгари ўғрилик қилган эди”, дейишди. Юсуф бу бўҳтонни эшитди, сукут сақлаб, ғазабланмади. Юсуф саҳий ва ҳалим эди.

“Улар: “Эй Азиз, бунинг катта ёшли чол отаси бор. Бас, биримизни унинг ўрнига ол. Биз сени яхшилик қилувчилардан эканлигингни кўрмоқдамиз», дедилар. У: “Нарсамизни ҳузуридан топган одамдан бошқани олиб қолишимиздан Аллоҳ сақласин. Акс холда, албатта, золимлардан бўлиб қоламиз”, деди”.

Шундай қилиб Бинямин Юсуфнинг олдида қолди. Икки ака-ука жуда хурсанд бўлдилар. Албатта, Юсуф узоқ вақтдан бери ёлғиз эди. Яқинларидан ҳеч кимни кўрмаган эди. Аллоҳ унга Биняминни қайтариб берди. У уни ҳар доим ёнида бўлиши ва у билан суҳбатлашиш учун қамокқа олмаган-ку?

Ука ўз акасининг олдида туриши зулм бўладими?

Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!

۲۱ - إِلَى يَعْقُوبَ

وَتَحْيَرَ الْإِخْوَةَ كَيْفَ يَرْجِعُونَ إِلَى أَبِيهِمْ؟

وَفَكَرَ الْإِخْوَةُ مَاذَا يَقُولُونَ لِأَبِيهِمْ!؟

إِنَّهُمْ فَجَعُوهُ أَمْسٍ فِي يُوسُفَ، أَفَيُفْجَعُونَهُ الْيَوْمَ فِي بَنِيَامِينَ!

أَمَّا كَبِيرُهُمْ فَأَبَى أَنْ يَرْجِعَ إِلَى يَعْقُوبَ، وَقَالَ لِإِخْوَتِهِ:

(ارْجِعُوا إِلَى أَبِيكُمْ فَقُولُوا يَا أَبَانَا إِنَّ ابْنَكَ سَرَقَ وَمَا شَهِدْنَا إِلَّا بِمَا عَلَّمْنَا وَمَا كُنَّا لِلْغَيْبِ

حَافِظِينَ) [يوسف: ۸۱].

وَلَمَّا سَمِعَ يَعْقُوبُ الْقِصَّةَ عَلِمَ أَنَّ اللَّهَ مُتَّحِنُهُ.

أَمْسٍ فُجِعَ فِي يُوسُفَ، وَالْيَوْمَ يُفْجَعُ فِي بَنِيَامِينَ، إِنَّ اللَّهَ لَا يَجْمَعُ عَلَيْهِ مُصِيبَتَيْنِ، اللَّهُ لَا يُفْجَعُهُ فِي

ابْنَيْنِ.

إِنَّ اللَّهَ لَا يُفْجَعُهُ فِي ابْنَيْنِ كَيُوسُفَ وَبَنِيَامِينَ.

إِنَّ اللَّهَ فِي ذَلِكَ يَدًا خَفِيَّةً.

إِنَّ اللَّهَ فِي ذَلِكَ حِكْمَةً خَفِيَّةً.

إِنَّ اللَّهَ لَمْ يَزَلْ يَمْتَحِنُ عِبَادَهُ ثُمَّ يَسْرُهُمْ وَيُنْعِمُ عَلَيْهِمْ.

ثُمَّ إِنَّ ابْنَ الْكَبِيرِ بَقِيَ فِي مِصْرَ أَيْضًا وَأَبَى أَنْ يَرْجِعَ إِلَى كَنْعَانَ. أَفَيُفْجَعُ فِي الثَّلَاثِ أَيْضًا، وَقَدْ

فُجِعَ مِنْ قَبْلُ فِي اثْنَيْنِ.

إِنَّ هَذَا لَا يَكُونُ.

وَهُنَا أَطْمَأَنَّ يَعْقُوبُ وَقَالَ: (عَسَى اللَّهُ أَنْ يَأْتِيَنِي بِهِمْ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ) [يوسف: ۸۳].

21 – ЯЪҚУБНИНГ ҲУЗУРИДА

Акалар оталарининг олдига қандай қилиб қайтиб борамиз, деб ҳайрон бўлдилар.

Улар оталарига нима деб айтишни ўйладилар.

Улар кечагина оталарини Юсуф хусусида бахтсиз қилган эдилар. Энди бугун уни Бинямин билан бахтсиз қиладиларми?

Катта акалари Яъқубнинг олдига боришдан бош тортиб, иниларига: “Отангизнинг олдига қайтинглар, бас, унга: «Эй отамиз, ҳақиқатда ўғлинг ўғрилик қилди. Биз фақат ўзимиз билган нарсага гувоҳлик бердик, холос. Биз ғайбни билувчи эмас эдик денглар”, деди.

Яъқуб бу воқеани эшитгач, бунда Аллоҳнинг “қўли” борлигини ва Аллоҳ уни имтиҳон қилаётганини билди. Кеча Юсуф билан синаган эди, бугун эса Бинямин билан синамоқда.

Албатта, Аллоҳ унга икки мусибатни жамламайди. Албатта Аллоҳ уни икки ўғли хусусида бахтсиз қилмайди. Албатта, Аллоҳ уни Юсуф ва Биняминдек икки ўғли билан бебахт қилмайди.

Албатта, бу ишда Аллоҳнинг яширин қўли бор эди.

Албатта, бу ишда Аллоҳнинг яширинча ҳикмати бор эди.

Албатта Аллоҳ бандаларини имтиҳон қилади. Сўнгра уларни хурсанд қилиб, уларга неъмат ато қилади.

Кейин катта ўғил Мисрда қолиб, Канъонга қайтишдан бош тортди. Энди учинчи фарзандида ҳам қийналадими? Бундан олдин икки мусибатда қийналган эди-ку? Албатта, бу бўлмайди.

Шу ерда Яъқуб хотиржам бўлди ва: **“Шоядки, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини ҳузуримга жамлаб келтирса. Албатта, Унинг Ўзи билгувчи ва ҳикматли зотдир”,** деб айтди.

۲۲ - يَظْهَرُ السِّرُّ

وَلَكِنَّ يَعْقُوبَ كَانَ بَشَرًا فِي صَدْرِهِ قَلْبٌ بَشَرٌ لَا قِطْعَةَ حَجَرٍ. فَذَكَرَ يُوسُفَ وَتَجَدَّدَ حُزْنُهُ وَقَالَ: (يَا أَسْفَى عَلَى يُوسُفَ) [يوسف: ۸۴].

وَلَا مَهْ أَبْنَاؤُهُ وَقَالُوا: إِنَّكَ لَا تَزَالُ تَذَكُرُ يُوسُفَ حَتَّى تَهْلِكَ.

قَالَ يَعْقُوبُ: (إِنَّمَا أَشْكُو بَنِّي وَحُزْنِي إِلَى اللَّهِ وَأَعْلَمُ مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ). [يوسف: ۸۶].

وَكَانَ يَعْقُوبُ يَعْلَمُ أَنَّ الْيَأْسَ كُفْرٌ، وَكَانَ يَعْقُوبُ لَهُ رَجَاءٌ كَبِيرٌ فِي اللَّهِ.

وَأَرْسَلَ يَعْقُوبُ أَبْنَاءَهُ إِلَى مِصْرَ لِيَبْحَثُوا عَنْ يُوسُفَ وَبَنِيَامِينَ وَيَجْتَهِدُوا فِي ذَلِكَ وَمَنْعَهُمْ يَعْقُوبُ مِنْ أَنْ يَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ. وَذَهَبَ الْإِخْوَةُ إِلَى مِصْرَ مَرَّةً ثَالِثَةً وَدَخَلُوا عَلَى يُوسُفَ وَشَكَّوْا إِلَيْهِ فَقَرَّهُمْ وَمُصِيبَتَهُمْ وَسَأَلُوهُ الْفَضْلَ.

وَهُنَا هَاجَ الْحُزْنَ وَالْحُبُّ فِي يُوسُفَ وَمَ يَمْلِكُ نَفْسَهُ. أَبْنَاءُ أَبِي وَأَبْنَاءُ الْأَنْبِيَاءِ يَشْكُونَ فَقَرَّهُمْ وَمُصِيبَتَهُمْ

إِلَى مَلِكٍ مِنَ الْمُلُوكِ. إِلَى مَتَى أَخْفِي الْأَمْرَ عَنْهُمْ. وَإِلَى مَتَى أَرَى حَالَهُمْ؟ وَإِلَى مَتَى لَا أَرَى أَبِي؟

لَمْ يَمْلِكْ يُوسُفُ نَفْسَهُ وَقَالَ لَهُمْ: (هَلْ عَلِمْتُمْ مَا فَعَلْتُمْ بِيُوسُفَ وَأَخِيهِ إِذْ أَنْتُمْ جَاهِلُونَ) [يوسف:

۸۹].

وَكَانَ الْإِخْوَةُ يَعْلَمُونَ أَنَّ هَذَا السِّرَّ لَا يَعْلَمُهُ إِلَّا يُوسُفُ وَنَحْنُ. فَعَلِمُوا أَنَّهُ يُوسُفُ.

سُبْحَانَ اللَّهِ! هَلْ يُوسُفُ حَيٌّ أَمَا مَاتَ فِي الْبَعْرِ. يَا سَلَامٌ! هَلْ يُوسُفُ هُوَ عَزِيزُ مِصْرَ؟ هُوَ الَّذِي

عَلَى خَزَائِنِ الْأَرْضِ؟ هُوَ الَّذِي كَانَ يَأْمُرُ لَنَا بِالطَّعَامِ؟ وَمَا بَقِيَ عِنْدَهُمْ شَكٌّ أَنَّ الَّذِي يُكَلِّمُهُمْ هُوَ يُوسُفُ

بُنْ يَعْقُوبُ!

(قَالُوا أَأَنَّكَ لَأَنْتَ يُوسُفُ قَالَ أَنَا يُوسُفُ وَهَذَا أَخِي قَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَيْنَا إِنَّهُ مَنْ يَتَّقِ وَيَصْبِرْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ، قَالُوا تَاللَّهِ لَقَدْ آثَرَكَ اللَّهُ عَلَيْنَا وَإِنْ كُنَّا لَخَاطِئِينَ) [يوسف: ٩٠-٩١].
 وَمَا لَأَمْهَمُّ يُوسُفُ عَلَى فَعَلْتِهِمْ، بَلْ قَالَ: (يَغْفِرُ اللَّهُ لَكُمْ وَهُوَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ) [يوسف: ٩٢].

22 – СИРНИНГ ОШКОР БЎЛИШИ

Лекин Яъқуб инсон эди, унинг кўксидаги тош бўлаги эмас балки инсон юраги эди.

Унда заррача (бағри) тошлик йўқ эди.

У Юсуфни эслаб, яраси (махзунлиги) янгиланди: **“Ох, Юсуф!!!”** деди.

Шунда ўғиллари уни маломат қилиб: **“Халок бўлгунингизча Юсуфни зикр қилаверар экансиз-да?!”** дейишди.

Яъқуб: **“Албатта, мен дарду ҳасратимдан фақат Аллоҳнинг Ўзига шикоят қилмоқдаман ва Аллоҳдан сиз билмаган нарсани биламан”**, деди.

Яъқуб умидсизлик куфр эканини билар эди. Яъқубнинг Аллоҳдан умиди катта эди.

Яъқуб болаларини Юсуф ва Биняминни излаш учун юбориб, бунда қаттиқ ҳаракат қилишга чақирди. Ва уларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлишдан қайтарди.

Акалар учинчи марта Мисрга келдилар. Улар Юсуфнинг ҳузурига келиб, камбағалликларидан шикоят қилиб, раҳм қилишни сўрадилар.

Шу ерда Юсуфнинг махзунлиги ва муҳаббати ғалаёнга келиб, ўзини тийиб ололмади. Ва: **“Отамнинг болалари, пайғамбарнинг болалари камбағаллик ва мусийбатларини подшоҳлардан бир подшоҳга шикоят қилмоқдаларми?”**

Улар ҳақидаги иш қачонгача махфий қолади?

Уларнинг ахволини қачонгача кўриб тураман?

Қачонгача отамни кўрмайман?

Юсуф ўзини тийиб тура олмасдан, уларга: **“Жоҳиллик пайтингизда Юсуфга ва унинг инисига нима қилганларингизни биласизларми?”** деди.

Акалар бу сирни уларнинг ўзлари ва Юсуфдан бошқа ҳеч ким хабардор эмаслигини билардилар. Шунда унинг Юсуф эканини билдилар.

Субҳаналлоҳ! Юсуф тирикми? У кудукда ўлмаганми?

Ё тавба! Юсуф Миср ҳокимими?

У ўша ердаги хазиналарнинг устидаги одамми?

У ўша бизга егулик буюрган одамми?

Уларда албатта бу гапираётган Юсуф ибн Яъқуб экани хусусида ҳеч шубҳа қолмади!

“Улар: “Э-э, ҳали сен Юсуфмисан?!” дедилар. У: “Мен Юсуфман, мана бу иним. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди. Ҳақиқатда ким тақво ва сабр қилса, Аллоҳ, албатта, гўзал иш қилувчиларнинг ажрини зое қилмагай”, деди. Улар: “Аллоҳга қасамки, ҳақиқатда Аллоҳ сени биздан устун қилди. Биз эса, хатокорлардан бўлдик”, дедилар”.

Юсуф уларнинг ишларини маломат қилмади. Балки: **“Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир”**, деди.

۲۳ – يُوسُفُ يُرْسَلُ إِلَىٰ يَعْقُوبَ

وَاشْتَأَقَ يُوسُفُ إِلَى لِقَاءِ يَعْقُوبَ وَكَيْفَ لَا يَشْتَأَقُ إِلَيْهِ وَقَدْ طَالَ الْفِرَاقُ. وَلِمَاذَا يَصْبِرُ الْآنَ وَقَدْ ظَهَرَ
السِّرُّ. وَكَيْفَ يَطِيبُ لَهُ الطَّعَامُ وَالشَّرَابُ وَأَبُوهُ لَا يَطِيبُ لَهُ طَعَامٌ وَلَا شَرَابٌ وَلَا مَنَامٌ.
قَدْ انْكَشَفَ السِّرُّ، وَقَدْ ظَهَرَ السِّرُّ، وَقَدْ أَرَادَ اللَّهُ أَنْ تَقَرَّ عَيْنُ يَعْقُوبَ.
وَكَانَ يُعْقُوبُ قَدْ عَمِيَ مِنْ كَثْرَةِ الْبُكَاءِ وَالْحُزْنِ.
فَقَالَ يُوسُفُ: (إِذْهَبُوا بِقَمِيصِي هَذَا فَأَلْقُوهُ عَلَى وَجْهِ أَبِي يَأْتِ بَصِيرًا وَأَنْتُونِي بِأَهْلِكُمْ أَجْمَعِينَ)
[يوسف: ٩٣].

23 – ЮСУФ ЯЪКУБГА ЭЛЧИ ЖЎНАТДИ

Юсуф Яъкубни кўришга ошиқди. Қандай ҳам ошиқмасин, ахир айрилиқ узоқ чўзилган эди-ку?

Ҳозир нима учун тоқат қилсин, ахир сир ошкор бўлган-ку?

Қандай қилиб овқат ва сув унинг томоғидан ўтсин, ахир отасининг овқати, суви, ҳатто уйкусида ҳам ҳаловат йўқ-ку?

Сир очилиб бўлди. Сир аниқ бўлди. Аллоҳ Яъкубнинг кўзлари (яна) кўришини хоҳлади.

Яъқуб кўп йиғлагани ва маҳзун бўлганидан кўзи ожиз бўлиб қолган.

Юсуф: “Менинг мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташланг, кўзи очилур. Сўнгра аҳлингиз ила жам бўлиб, хузуримга келинглар”, деди.

٢٤ – يَعْقُوبُ عِنْدَ يُوسُفَ

وَلَمَّا سَارَ الرَّجَالُ بِقَمِيصِ يُوسُفَ إِلَى كَنْعَانَ، أَحْسَسَ يَعْقُوبُ رَائِحَةَ يُوسُفَ، وَقَالَ:
(إِنِّي لِأَجِدُ رِيحَ يُوسُفَ، قَالُوا تَاللَّهِ إِنَّكَ لَفِي ضَلَالِكَ الْقَدِيمِ) [يوسف: ٩٤-٩٥].

وَلَكِنْ كَانَ يَعْقُوبُ صَادِقًا، (فَلَمَّا أَنْ جَاءَ الْبَشِيرُ أَلْقَاهُ عَلَى وَجْهِهِ فَارْتَدَّ بَصِيرًا، قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ
إِنِّي أَعْلَمُ مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ، قَالُوا يَا أَبَانَا اسْتَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا إِنَّا كُنَّا خَاطِئِينَ، قَالَ سَوْفَ أَسْتَغْفِرُ لَكُمْ
رَبِّي إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ) [يوسف: ٩٦-٩٨].

وَلَمَّا وَصَلَ يَعْقُوبُ إِلَى مِصْرَ اسْتَقْبَلَهُ يُوسُفُ، وَلَا تَسْأَلْ عَنْ فَرْحِهِمَا وَسُرُورِهِمَا. وَكَانَ يَوْمًا مَشْهُودًا
فِي مِصْرَ وَكَانَ يَوْمًا مُبَارَكًا.

وَرَفَعَ يُوسُفُ أَبَوَيْهِ عَلَى الْعَرْشِ وَوَفَعُوا كُلُّهُمْ سُجَّدًا لِيُوسُفَ.

وَقَالَ يُوسُفُ: (هَذَا تَأْوِيلُ رُؤْيَايَ مِنْ قَبْلُ قَدْ جَعَلَهَا رَبِّي حَقًّا) [يوسف: ١٠٠].

(إِنِّي رَأَيْتُ أَحَدَ عَشَرَ كَوْكَبًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ رَأَيْتُهُمْ لِي سَاجِدِينَ) [يوسف: ٤].

وَحَمْدَ يُوسُفَ اللَّهُ حَمْدًا طَيِّبًا كَثِيرًا. وَشَكَرَ يُوسُفُ عَلَى ذَلِكَ شُكْرًا عَظِيمًا. وَبَقِيَ يَعْقُوبُ وَأَلُّ يَعْقُوبَ فِي مِصْرَ زَمَنًا طَوِيلًا وَمَاتَ يَعْقُوبُ وَرَوَّحَهُ فِي مِصْرَ.

24 – ЯЪҚУБ ЮСУФНИНГ ОЛДИДА

Улар (акалар) Юсуфнинг кўйлаги билан Канъонга келганларида, Яъқуб Юсуфнинг хидини сезди ва: “Албатта, мен Юсуфнинг хидини сезмоқдаман”, деди. “Улар: «Аллоҳга қасамки, сен эски адашувингдасан”, дедилар.

Лекин Яъқуб рост гапирган эди. “Хушхабарчи келган чоғида у(кўйлак)ни унинг юзига ташлаганида, яна кўрадиган бўлди. У: “Сизларга мен, “Аллоҳдан сизлар билмайдиган нарсани биламан”, демаганмидим?!” деди. Улар: “Эй отамиз, гуноҳларимиз учун истиғфор айт. Албатта, биз хатокорлардан бўлган эканмиз”, дедилар. У: “Сизлар учун Роббимга истиғфор айтаман. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгучи ва раҳмли Зотдир”, деди”.

Яъқуб Мисрга етиб келганида, уни Юсуф кутиб олди. Уларнинг хурсандлиги ва шодлиги ҳақида сўрамай кўяколинг. Бу кун Мисрда нутилмас ва муборак кун эди.

Юсуф ота-онасини тахтга кўтарди. Барчалари Юсуфга сажда қилиб йиқилдилар.

Юсуф: “Эй отажон, бу аввал кўрган тушимнинг таъбиридир, Роббим уни ҳаққа айлангирди. Мен ўн битта юлдузни ҳам қуёш ва ойни кўрдим, уларнинг менга сажда қилаётганларини кўрдим”, деди.

Юсуф Аллоҳга кўп, гўзал ҳамд айтди. Бунинг учун Юсуф улкан шукр қилди. Яъқуб ва унинг аҳли Мисрда узоқ вақт қолди. Яъқуб ва унинг аёли Мисрда вафот этди.

۲۵ – حُسْنُ الْعَاقِبَةِ

وَلَمْ يَشْعَلْ يُوسُفَ هَذَا الْمَلِكُ الْعَظِيمُ عَنِ اللَّهِ وَلَمْ يُعَيِّرْهُ.

وَكَانَ يُوسُفُ يَذْكُرُ اللَّهَ وَيَعْبُدُهُ وَيَخَافُهُ.

وَكَانَ يُوسُفُ يَحْكُمُ بِحُكْمِ اللَّهِ وَيُنْفِذُ أَمْرَ اللَّهِ.

وَكَانَ يُوسُفُ لَا يَرَى الْمَلِكَ كَثِيرًا وَلَا يَعُدُّهُ شَيْئًا كَبِيرًا.

وَكَانَ يُوسُفُ لَا يُحِبُّ أَنْ يَمُوتَ مَوْتَ مَلِكٍ وَيُحْشَرَ مَعَ الْمُلُوكِ. بَلْ كَانَ يُحِبُّ أَنْ يَمُوتَ مَوْتَ عَبْدٍ

وَيُحْشَرَ مَعَ الصَّالِحِينَ.

وَكَانَ دُعَاءُ يُوسُفَ: (رَبِّ قَدْ آتَيْتَنِي مِنَ الْمُلْكِ وَعَلَّمْتَنِي مِنْ تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ فَاطِرَ السَّمَاوَاتِ

وَالْأَرْضِ أَنْتَ وَلِيِّ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ تَوَفَّنِي مُسْلِمًا وَأَلْحِقْنِي بِالصَّالِحِينَ) [يوسف: ۱۰۱].

وَتَوَقَّاهُ اللَّهُ مُسْلِمًا وَأَلْحَقَهُ بِآبَائِهِ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَعَلَى نَبِينَا وَسَلَّم.

25 – ГЎЗАЛ НИҲОЯ

Бу буюк бойлик Юсуфни Аллоҳдан машғул қилиб ҳам қўймади ўзгартирмади ҳам.

Юсуф ҳамиша Аллоҳни зикр қилар ва Унга ибодат қилиб, Ундан қўрқар эди.

Юсуф Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилар ва Аллоҳнинг буйруқларини ижро қилар эди.

Юсуф мулкка кўп эътибор бермас ва уни катта нарса деб ҳисобламас эди.

Юсуф подшоҳ бўлиб ўлишни ва подшоҳлар қаторида тирилишни истамас эди. Балки, оддий кул ўлимини солиҳлар қаторида тирилишни хоҳлар эди.

Юсуфнинг дуоסי куйидагича эди: **“Эй Роббим, ҳақиқатда менга мулк бердинг ва менга тушларнинг таъбирини ўргатдинг. Эй осмонлару ерни яратган Зот! Сен дунёю охиратда менинг валийимсан. Мени мусулмон ҳолима вафот этдиргин ва солиҳларга қўшгин”**.

Аллоҳ унинг жонини мусулмон ҳолида олди ва оталари Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқублар билан учраштирди.

Уларга ва пайғамбаримизга Аллоҳнинг салавати ва саломлари бўлсин.

Китобнинг биринчи қисми шу ерда ниҳоясига етди.